

“ТАСДИҚЛАЙМАН”
Ёшлар ишлари агентлиги
директорининг биринчи
ўринбосари –
харид комиссияси раиси



Ж.Ходжаев

Мақтаб ўқувчилари учун, энг аввало, Ватанни севиш, оила, ота-она ва устозларга хурмат туйғуларини шакллантириш, ҳаётда ўз олдига мақсад қўйиш, иродали бўлиш ва илм олишни тарғиб қилувчи махсус мотивацион видеороликларни тайёрлаш юзасидан

ЭНГ ЯХШИ ТАКЛИФЛАРНИ ТАНЛАШ БЎЙИЧА ХАРИД ҚИЛИШ
ҲУЖЖАТИ

Тошкент 2022 йил

I. ТАНЛАШ ИШТИРОКЧИСИ УЧУН МАЪЛУМОТ

1. Энг яхши таклифларни танлаш предмети.

Энг яхши таклифларни танлаш бўйича харид комиссияси (бундан буён матнда харид комиссия деб юритилади) ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 22 апрелдаги ЎРҚ-684-сон “Давлат харидлари тўғрисида”ги Қонуни (кейинги ўринларда – Қонун), Вазирлар Маҳкамасининг “Давлат харидларини амалга ошириш билан боғлиқ тартиб-таомилларни ташкил этиш ва ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида” 2022 йил 20 майдаги 276-сон қарорларига асосан амалга оширади.

Энг яхши таклифларни танлашни ташкил қилишнинг асосий мақсадлари қуйидагилар:

Мактаб ўқувчилари учун, энг аввало, Ватанни севиш, оила, ота-она ва устозларга ҳурмат туйғуларини шакллантириш, ҳаётда ўз олдига мақсад қўйиш, иродали бўлиш ва илм олишни тарғиб қилувчи махсус мотивацион видеороликларни тайёрлаш юзасидан энг яхши таклифларни танлаш кўзда тутилган.

Маҳсулот (иш, хизмат)ларнинг максимал нархи: ҚҚС билан **200 000 000 (Икки юз миллион) сўм.**

Маҳсулот (иш, хизмат)ларни энг яхши таклифларни танлаш бўйича харид қилиш ҳужжатларининг техник қисмида жойлашган талабларига биноан бажариш шарт.

Маҳсулот (иш, хизмат)ларни тайёрлаш ва бажариш муддати: **ҳар бир ролик учун 15 кун.**

2. Мазкур танлаш ҳужжатларида ишлатиладиган тушунчалар.

Маҳсулот (иш, хизмат)ларни тайёрлаш ва бажариш муддати: **60 кун.**

Энг яхши таклифларни танлаш бўйича харид қилиш ҳужжатлари (кейинги ўринларда матнда – Танлаш ҳужжатлари) талаблари асосида ташкилотни аниқлаш.

Танлаш ўтказиш тартиби – бир босқичли.

Буюртмачи – Ўзбекистон Республикаси Ёшлар ишлари агентлиги;

Манзили: Тошкент шаҳар, Шайхонтохур тумани Навоий 11а **Б**

Танлашни ташкил этиш ва ўтказиш учун масъул шахс – Ишлар бошқармаси бошлиғи И.Зиёдиллоев;

Тел.: (90) 514-47-74

3. Харид комиссиясининг вазифалари:

харид қилиш ҳужжатларини келишади;

таклифлар қабул қилиш муддатларини белгилайди;

таклифларни баҳолаш мезонларини ва усулларини белгилайди;

зарур бўлганда таклиф киритиш тартибини, ҳажмини ва уни таъминлаш шаклини белгилайди;

харид қилиш тартиб-таомили иштирокчиларининг таклифларини очишни амалга оширади;

дастлабки малака танлашни ўтказди, агар харид қилиш ҳужжатлари шартларида бу назарда тутилган бўлса;

зарур бўлганда дастлабки малака танлаши натижаларини ҳисобга олган ҳолда қарор қабул қилади;

зарур бўлганда баҳолаш гуруҳини ташкил этиш тўғрисида қарор қабул қилади;

харид қилиш тартиб-таомилларини “Давлат харидлари тўғрисида”ги Қонунга мувофиқ амалга оширади;

харид қилиш тартиб-таомилларининг рақобатлашув турлари ҳолибини ва зарур бўлганда захирадаги ҳолибни белгилайди ёки танлашни амалга ошмаган деб топади.

Танлашнинг ташкилотчиси – Ишчи гуруҳ. Унинг вазифасига қуйидагилар қиради:

Танлаш ҳужжатларини ишлаб чиқилишини таъминлайди ва уларни ўрнатилган тартибда талабгорларга тақдим этади;

- танлаш ўтказилиши тўғрисида республика товар хом ашё биржасининг www.etender.uzex.uz порталида эълон беради;

- танлаш таклифларини баҳолаш мезонлари ишлаб чиқилишини таъминлайди.

4. Техник ва тижорат таклифларни баҳолашда харид комиссиясининг вазифалари:

– иштирокчиларнинг танлашга тақдим этилган молиявий ҳужжатларини, таклифларни сифат ва нарх нуқтаи назаридан ўрганади, таҳлил қилади ва кўриб чиқади;

– танлаш асосида энг яхши сифат ва нарх таклифини аниқлайди ва қарор қабул қилади.

Иштирокчи – энг яхши таклифларни танлаш бўйича харид қилиш ҳужжатлари талабларида кўрсатилган хизматларни кўрсатиш бўйича тажрибага эга бўлган ташкилотлар.

Иштирокчи:

- тақдим этилган маълумотлар ва ҳужжатларнинг ҳақиқийлиги ва тўғрилиги учун жавобгарликни ўз зиммасига олади;

- фақат танлаш ҳужжатлари талабларига мувофиқ битта таклифни тақдим этиш ҳуқуқига эга;

- тақдим этилган таклифни тақдим этиш муддати тугамагунча кайтариб олиш ёки ўзгартириш ҳуқуқига эга.

5. Иштирокчига танлашда қатнашиш учун қўйиладиган талаблари

5.1. Иштирокчи таклифда қатнашиш учун e-tender.uzex.uz сайтида жойлаштирилган эълон белгиланган тартибда электрон шаклда таклиф бериш орқали иштирок этади.

Иштирокчи ташаббуси билан бошқа ҳужжатлар (сертификатлар, ўтказилган текширишлар бўйича маълумотлар ва шу кабилар) ҳам тақдим қилиниши мумкин.

5.2. Танлашга қуйидаги иштирокчилар қўйилмайди:

– шартномани бажариш учун зарур техникавий, молиявий, моддий, кадрлар ресурсларининг ҳамда бошқа ресурслари мавжуд бўлмаган;

– шартнома тузиш учун қонуний ҳуқуққа эга бўлмаган;

– солиқлар ва йиғимларни тўлаш бўйича муддати ўтган қарздорликнинг мавжуд бўлган;

– инсофсиз ижрочиларнинг ягона рўйхатида бўлган;

– ўзига нисбатан жорий этилган банкротлик тартиб-таомилларининг мавжуд бўлган;

– Инсофсиз ижрочиларнинг ягона реестрида қайд этилмаганлиги.

– аввал имзоланган шартномалар бўйича келишилган мажбуриятларни ўз муддатида бажармаган.

5.3. Харид комиссияси иштирокчини харид қилиш тартиб-таомилларида иштирок этишдан четлатади, агар:

у тўғрисида Инсофсиз ижрочиларнинг ягона реестрида қайд мавжуд бўлса;

унда солиқлар ва йиғимларни тўлаш бўйича муддати ўтган қарздорлик мавжуд бўлса;

ўзига нисбатан банкротлик тартиб-таомиллари жорий этилган бўлса;

иштирокчи харид қилиш ҳужжатларининг малака, техник ва тижорат талабларига жавоб бермаса;

иштирокчи давлат харидлари жараёнида Агентлик томонидан бирор-бир хатти-ҳаракатнинг содир этилишига, қарор қабул қилинишига ёки бирор-бир харид қилиш тартиб-таомилининг қўлланилишига таъсир ўтказиш мақсадида давлат буюртмачисининг ёки бошқа давлат органининг исталган ҳозирги ёки собиқ мансабдор шахсига ёки ходимига ҳар қандай шаклдаги ҳақни, ишга ёллаш тўғрисидаги таклифни ёхуд исталган бошқа қимматбаҳо ашёни ёки хизматни бевосита ёхуд билвосита таклиф қилса, берса ёки беришга розилик билдирса;

иштирокчи рақобатга қарши ҳаракатларни содир этса ёки қонунчиликни бузган ҳолда манфаатлар тўқнашувини келтириб чиқарса, шунингдек аффилиланганлик ҳоллари аниқланса.

Харид комиссиясининг иштирокчини харид қилиш тартиб-таомилларида иштирок этишдан четлатиш тўғрисидаги қарори ва бунинг сабаблари харид қилиш тартиб-таомиллари ҳақидаги ҳисоботга киритилади.

6. Танлаш доирасида ҳужжатларнинг махфийлигини таъминлаш

6.1. Тушган таклифларнинг кўриб чиқилиши, уларнинг танлаш комиссияси аъзолари томонидан баҳоланиши тўғрисидаги ахборот махфий ҳисобланади ҳамда танлаш тартиб-қоида-сига расман алоқадор бўлмаган шахсларга маълум қилинмайди. Харид комиссияси аъзолари мазкур ахборот ошкор қилинганлиги учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб берадилар.

II. ЭНГ ЯХШИ ТАКЛИФЛАРНИ ТАНЛАШ БЎЙИЧА ХАРИД ҚИЛИШ ХУЖЖАТЛАРИ

7. Танлашда иштирок этиш учун таклифини бериш тартиби

7.1. Танлаш ўтказилганда иштирокчилар танлаш бўйича электрон таклифларни ўзларининг шахсий кабинетлари орқали эълонда кўрсатилган муддатдан кечиктирмай тақдим этадилар.

7.2. Иштирокчининг танлаш таклифининг ажралмас қисми бўлган электрон ҳужжатлар оператор томонидан белгиланган намунавий шакллар асосида тақдим этилади. Давлат харидларининг электрон тизимига жойлаштирилган танлаш таклифи иштирокчи томонидан тасдиқланади.

7.3. Танлаш таклифи билан биргаликда иштирокчилар эскизлар, расмлар, чизмалар, фотосуратлар ва бошқа ҳужжатларни файл сифатида жойлаштиришлари мумкин.

Бунда иштирокчиларнинг танлаш таклифлари мазкур энг яхши таклифларни танлаш бўйича харид қилиш ҳужжатининг иловасидаги шаклга мувофиқ ҳужжатларни бириктириш орқали тақдим этилади. Иштирокчининг танлаш таклифидаги маълумотлар бириктирилган ҳужжатлардаги маълумотларга мос келиши керак.

7.4. Танлаш таклифларини очиш муддати етиб келгунга қадар улар иштирокчилар, шунингдек, харид комиссияси масъул котиби ва аъзолари томонидан кўрилишига йўл қўйилмайди, бундан ушбу таклифларни тақдим этган иштирокчи мустасно. Мазкур талабнинг бажарилишига оператор жавобгар ҳисобланади.

7.5. Танлаш иштирокчиси битта лотга фақат битта танлаш таклифини беришга ҳақли.

7.6. Танлаш иштирокчиси тақдим этилаётган ахборот (маълумот) ва ҳужжатларнинг ҳақиқийлиги ва тўғрилиги учун жавоб беради.

7.7. Танлаш иштирокчиси тақдим этилган танлаш таклифларини бериш муддати тугагунга қадар берилган танлаш таклифини чақириб олишга ёки унга ўзгартиришлар киритишга ҳақли.

7.8. Жойлаштирилган эълонда кўрсатилган муддат ва вақтда давлат харидларининг электрон тизими танлаш таклифларини қабул қилишни тўхтатади.

Танлаш иштирокчиси танлаш бўйича харид қилиш ҳужжатларидаги талабларни тушунтириш талаби билан давлат буюртмачисига очик электрон чат орқали сўров юборишга ҳақли.

Давлат буюртмачиси сўров тушган санадан эътиборан икки иш куни ичида ушбу сўровга очик электрон чат орқали тушунтириш юбориши шарт. Танлаш бўйича харид қилиш ҳужжатларининг қоидаларига доир тушунтиришлар уларнинг мазмун-моҳиятини ўзгартирмаслиги керак.

Давлат буюртмачиси томонидан танлаш таклифларининг таъминланиши зарурлиги белгиланган тақдирда, иштирокчи танлаш таклифлари юборилгунга қадар таъминотнинг мақбуллигини тасдиқлаш тўғрисида очик электрон чат орқали сўров юборишга ҳақли. Давлат буюртмачиси бундай сўровга бир иш куни ичида жавоб беради.

III. ЭНГ ЯХШИ ТАКЛИФЛАРНИ ТАНЛАШ БЎЙИЧА ХАРИД ҚИЛИШ ХУЖЖАТЛАРИНИ ТАЙЁРЛАНИШИ

8. Танлашда қатнашиш ҳаражатларн

8.1. Танлашда иштирок этиш ва танлаш ҳужжатини тайёрлаш билан боғлиқ бўлган барча ҳаражатлар иштирокчининг маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

8.2. Нарх таклифида кўрсатилган нарх танлаш таклифи нархи ҳисобланади.

8.3. Танлаш таклифи нархи миллий валюта – сўмда тўланиши лозим.

8.4. Маҳсулот (хизмат, иш) нархи таклифга барча ҳаражатлар, яъни солиқ ҳамда бюджет ва бюджетдан ташқари жамғармаларга мажбурий тўловлар киритилади.

8.5. Иштирокчи томонидан белгиланган нархлар маҳсулотни етказиб бериш (хизматларни кўрсатиш) мажбуриятларини охирига етказилмагунга қадар ўзгартирилмайди (харид комиссиясининг нархларни тушириш бўйича музокаралар олиб бориш натижасида

Ўзгартиришлар киритилиши мумкин).

8.6. Нархларнинг ошишига қараб ўзгартириладиган нархларни кўзда тутувчи танлаш таклифлари исталган босқичда, танлаш талабларига жавоб бермайди деб қаралади ва харид комиссияси томонидан кўриб чиқилиши рад этилади.

9. Танлашда қўлланиладиган тил

9.1. Иштирокчилар томонидан берилаётган таклифлар, Буюртмачи ва иштирокчи ўртасидаги хатлар ва барча тегишли ҳужжатлар ўзбек ёки рус тилида тайёрланади.

11. Муқобил таклифлари

11.1. Паст техник (функционал) кўрсаткичларга эга бўлган маҳсулот (хизмат) кўринишида берилган танлаш таклифлари кўриб чиқилмайди.

12. Танлаш натижаларини сарҳисоб қилиш

12.1. Танлаш харид комиссияси томонидан белгиланган муддатда ўтказилганда давлат харидларининг электрон тизими автоматик равишда иштирокчилар томонидан жойлаштирилган ва уларнинг танлаш таклифларини ташкил этувчи электрон ҳужжатларни кўриш имкониятини беради.

12.2. Иштирокчи томонидан бириктирилган файллар унинг танлаш таклифида кўрсатилган маълумотларига мос бўлиши ҳамда давлат харидларининг электрон тизимидаги тўлдирилиши мажбурий бўлган электрон майдонлар тўлдирилиши керак.

12.3. Давлат харидларининг электрон тизими иштирокчи таклиф этган нархни бошланғич нархга мувофиқлигини ва электрон майдонларнинг тўлдирилганлигини ҳамда бириктирилган файлларнинг мавжудлигини текширади. Иштирокчи томонидан таклиф этилган нарх бошланғич нархдан юқори бўлса, шунингдек, тўлдирилиши мажбурий бўлган майдонлар тўлдирилмаган бўлса ёки бириктирилиши мажбурий бўлган файллар мавжуд бўлмаса, давлат харидларининг электрон тизими рад этиш сабабини кўрсатган ҳолда иштирокчининг таклифини рад этади. Бириктирилган файллардаги маълумотларнинг иштирокчининг танлаш таклифида кўрсатилган маълумотларга мувофиқлигини текшириш харид комиссиясининг масъул котиби томонидан амалга оширилади.

12.4. Агар танлаш таклифи Қонуннинг ва танлаш бўйича харид қилиш ҳужжатлари талабларига мувофиқ бўлса, у тегишли тарзда расмийлаштирилган деб топилади. Танлаш таклифи тегишли тарзда расмийлаштирилганлиги ёки расмийлаштирилмаганлиги бўйича харид комиссияси масъул котибининг қарори унинг асосланган сабаблари билан харид комиссияси томонидан тасдиқланади.

Иштирокчининг танлаш таклифи талабларга мос келмаганлиги тўғрисидаги қарор, ушбу қарор қабул қилинган кунда иштирокчининг шахсий кабинетига юборилади.

IV. ТАНЛАШ ТАКЛИФЛАРИНИ БАҲОЛАШ ВА ҒОЛИБЛАРНИ АНИҚЛАШ ТАРТИБИ

13. Танлаш таклифларини баҳолаш ва ғолибларни аниқлаш

13.1. Танлаш ғолибини аниқлаш учун танлаш таклифларини баҳолаш танлаш бўйича харид қилиш ҳужжатларида белгиланган мезонлар ва усул асосида амалга оширилади.

13.2. Танлаш таклифларини баҳолаш вақтида харид комиссиясининг масъул котиби танлаш иштирокчиларидан уларнинг танлаш таклифлари юзасидан тушунтиришлар сўрашга ҳақли. Мазкур жараён электрон шаклда ўтказилади.

13.3. Танлаш таклифи танлаш бўйича харид қилиш ҳужжатлари билан белгиланган муддат мобайнида кучда қолади.

13.4. Танлаш таклифининг миқдорий кўрсаткичларини, шу жумладан, нарх қисмини баҳолаш давлат харидларининг электрон тизими томонидан автоматик равишда амалга оширилади.

13.5. Миқдор кўрсаткичларига эга бўлмаган таклифнинг техник қисмининг мезонлари бўйича иштирокчиларнинг таклифларини баҳолаш ва таққослаш харид комиссияси томонидан овоз бериш орқали амалга оширилади.

13.6. Танлаш бўйича харид қилиш ҳужжатларида белгиланган шартлардан келиб чиқиб давлат харидларининг электрон тизими автоматик равишда танлаш таклифининг техник ва

нарх қисмларини баҳолашни ҳисобга олган ҳолда энг юқори балл тўплаган иштирокчини (балл усулидан фойдаланганда) голиб сифатида аниқлайди.

Танлаш таклифларини баҳолаш натижасига кўра икки ёки ундан ортиқ иштирокчилар бир хил балл тўплаган бўлса, энг паст нарх таклиф этган иштирокчи голиб деб топилади.

Захирадаги голибни аниқлаш мазкур бандда белгиланган тартибда амалга оширилади.

13.7. Танлаш таклифларини кўриб чиқиш ҳамда баҳолаш натижалари давлат харидларининг электрон тизимида автоматик равишда шаклланган дастлабки электрон баённомада қайд этилади ва танлаш ўтказиш бўйича харид комиссияси аъзолари томонидан ЭРИдан фойдаланган ҳолда имзоланади.

13.8. Дастлабки электрон баённома у расмийлаштирилган кунда давлат харидларининг электрон тизимида муҳокама қилиш учун икки иш кунига жойлаштирилади.

13.9. Танлашнинг исталган иштирокчиси дастлабки электрон баённома эълон қилинганидан сўнг давлат буюртмачисига танлаш ўтказиш натижалари бўйича давлат харидларининг электрон тизими орқали эътирозлар юборишга ҳақли.

13.10. Агар икки иш куни ичида танлаш иштирокчилари томонидан танлаш ўтказиш натижалари бўйича эътирозлар тушмаган бўлса, бу тўғрисида харид комиссиясининг тегишли мажлиси электрон баённомаси расмийлаштирилади ва давлат буюртмачиси билан голиб деб топилган иштирокчи ўртасида шартнома тузилади.

13.11. Танлаш ўтказиш натижалари бўйича танлаш иштирокчиларидан эътирозлар тушганда, харид комиссияси эътирозларни икки иш куни ичида кўриб чиқади ва тегишли қарор қабул қилади.

13.12. Давлат буюртмачиси томонидан харид комиссиясига тақдим этилган муҳокама натижалари тўғрисидаги ахборот асосида харид комиссиясининг тегишли мажлиси электрон баённомаси расмийлаштирилади ва имзоланган кундан бошлаб уч иш куни ичида давлат харидларининг электрон тизимига жойлаштирилади.

13.13. Муҳокама учун белгиланган муддат тугаганидан кейин келиб тушган эътирозлар харид комиссияси томонидан кўриб чиқилмайди.

Танлаш иштирокчилари томонидан танлаш ўтказиш натижалари бўйича эътирозлар келиб тушганда, харид комиссияси эътирозларни кўриб чиқади ва тегишли қарор қабул қилади.

13.14. Иштирокчиларнинг таклифларини баҳолаш мезонлари:

Т/р	Мезонлар	Баҳолаш	Изоҳ
1.	Ишларни ўз вақтида бажариш учун раҳбар томонидан имзоланган Кафолат хати	максимал 5 балл	Техник талабларга мувофиқ келишига қараб баҳоланади
2.	Молиявий барқарорлиги	максимал 5 балл	Иштирокчи томонидан илова қилинган молиявий барқарорлик кўрсаткичларига асосан баҳоланди
3.	Тақдим қилинган ишнинг самарадорлиги, кутилаётган натижаларнинг сифат ва миқдорий кўрсаткичлари юқорилиги.	максимал 5 балл	Баллар иштирокчилар тақдим этган таклифлардан келиб чиқиб шаклланади
4.	Лойиҳанинг аниқ ва батафсил ёритилганлиги	максимал 5 балл	Баллар иштирокчилар тақдим этган таклифлардан келиб чиқиб шаклланади
5.	Умумий иш тажрибаси	максимал 5 балл	Танлашда эълон қилинган иш (хизмат) бўйича аввал бажарилган ишлар рўйхати (контргент номи, шартнома санаси, шартнома суммаси кўрсатилган жадвал илова қилиниши керак)
6.	Хизмат кўрсатиш учун моддий техник базаси даражаси етарли бўлишлиги	қелади (5 балл) /қелмайди (0 балл)	Танловда кўрсатилган иш (хизмат)ни бажариш учун зарур бўлган моддий-техника базаси рўйхати илова қилиниши,

			ташкilotни сақлаш учун 3 ойлик сметаси ҳамда сметада кўрсатилган маблағлари мавжудлиги тўғрисида маълумотнома
7.	Танлаш иштирокчисининг ташкилий фаолияти қонунчилик ҳужжатларига ҳамда танлаш мақсадларига мувофиқлиги	максимал 5 балл	Баллар катнашчилар тақдим этган ташкилий ҳужжатлардан (Устав, гувоҳнома) келиб чиқиб шаклланади
Жами максимал балл		35 балл	

13.15. Минимал ўтиш балли **20 балл** деб белгиланади.

13.16. Танлаш ҳужжатларида кўрсатилган мезонлар асосида шартномани бажаришнинг энг яхши шартларини таклиф қилган танлаш иштирокчиси ғолиб деб топилади.

13.17. Танлашда ғолибни аниқлаш мезонлари товар (иш, хизмат) давлат харидининг нафақат пул ифодасига, балки миқдорий ва сифат баҳосига ҳам эга бўлади.

13.18. Танлаш иштирокчиси томонидан тақдим этилган ҳужжатлардаги ахборот ишончсиз эканлиги аниқланган тақдирда, харид комиссияси бундай иштирокчини харид қилиш тартиб-таомилининг исталган босқичида танлашда иштирок этишдан четлатишга ҳақли.

13.19. Танлаш таклифларини баҳолаш вақтида харид комиссияси танлаш иштирокчисидан унинг танлаш таклифлари борасида тушунтиришлар беришини сўраши мумкин.

13.20. Иштирокчиларнинг тижорат таклифларини барча учун тенг шартлар асосида ўтказиш мақсадида уларнинг танлаш таклифларини баҳолашда, сифатли маҳсулот етказиб беришдан (хизмат кўрсатишдан, иш бажаришдан) иборат бўлган танлаш таклифлари бўйича қонунчилик асосида қўшимча қўшилган қиймат солиғи тўловчилари томонидан солиқ суммаси киритиб ҳисоб қилинади.

14. Таклифларнинг мос келмаслиги

14.1. Танлаш ҳужжатларини текшириш чоғида аниқланган хатолар мавжуд бўлган тақдирда харид комиссияси:

иштирокчига танлаш таклифига тузатиш киритиш имкониятини бериши;

таклифларни баҳолашда, иш (хизмат) нархи билан бирлик нархи ва сонини кўпайтириш натижасида олинган якуний нарх ўртасида номувофиқлик мавжуд бўлса, иш (хизмат) нархи устунлик қиладиган, умумий нархга тузатиш киритиладиган қарор қабул қилиши мумкин.

Агар сўзлар билан ёзилган сумма (нарх) билан рақамда кўрсатилган сумма (нарх) ўртасида номувофиқлик мавжуд бўлса, у ҳолда сўзлар билан ёзилган сумма (нарх) устунлик қилади.

14.2. Агарда иштирокчи хатоларни тўғрилашдан бош тортса, унинг танлаш таклифи харид комиссиясининг қарори билан четлаштирилади.

14.3. Танлашда иштирок этиш учун иштирокчи ҳуқуқи бошқа юридик шахсга ўтказилишига йўл қўйилмайди.

14.4. Танлаш қуйидаги ҳолларда бўлиб ўтмаган деб эълон қилинади:

танлашда иштирок этиш учун таклифларни тақдим этиш муддати тугаган пайтда фақат битта таклиф тақдим этилган ёки бирорта ҳам таклиф тақдим этилмаган бўлса;

барча танлаш таклифлари танлаш ҳужжатларига қўйиладиган талабларга мувофиқ бўлмаса;

барча танлаш таклифларида танлаш ҳужжатлари шартлари билан талаб қилинадиган ҳужжатлар мавжуд бўлмаса;

барча иштирокчиларнинг таклиф этган нархлари товарнинг бошланғич қийматидан анча юқори бўлса;

танлаш ҳужжатларида кўрсатилган талабларга мос келадиган камида иккита таклиф олинмаган бўлса.

14.5. Танлашнинг бўлиб ўтмаган, деб эълон қилиниши танлаш иштирокчиларидан бирон-бирининг мулкӣ ёки бошқа жавобгарлигига олиб келмайди.

V. ШАРТНОМАНИ РАСМИЙЛАШТИРИШ

15. Шартномани расмийлаштириш ва тузиш

15.1. Танлаш натижаларига доир шартнома танлаш бўйича харид қилиш ҳужжатларида ва ўзи билан шартнома тузилаётган танлаш иштирокчиси томонидан тақдим этилган таклифда назарда тутилган шартлар асосида ғолиб аниқланган вақтдан бошлаб ўн иш кунидан кечиктирмасдан тузилади.

15.2. Танлашни ўтказиш натижаларига кўра шартнома электрон шаклда тузилади ҳамда шартномаларнинг ягона реестрига киритилади.

15.3. Ғолиб шартнома тузишни рад этган тақдирда унга закат суммаси қайтариб берилмайди. Харид комиссияси томонидан захирадаги ғолиб аниқланган бўлса, шартнома тузиш ва унга доир мажбуриятларни бажариш ҳуқуқи захирадаги ғолибга ўтади. Бунда захирадаги ғолиб ғолиб томонидан таклиф этилган нарх бўйича шартнома тузади ёки шартнома тузишни рад этиши мумкин.

15.4. Танлаш натижалари бўйича тузилган шартнома тўғрисидаги ахборот давлат буюртмачиси томонидан махсус ахборот порталига у тузилган кундан бошлаб уч иш кунидан кечиктирмай жойлаштирилади.

15.5. Танлаш ғолиби миқдор, сифат ҳамда техник кўрсаткичлари бўйича шартнома талабларини бажармаса қонун доирасида (ёки шартнома талабларига асосан) жавобгарликка тортилади.

VI. БОБ. ТИЖОРАТ ҚИСМИ

16. Тижорат таклифлари баҳоси ва уни белгилаш тартиби

16.1. Танлаш иштирокчиси талаб қилинган хизмат(иш)лар учун нархларини ўзларинг ички имкониятларидан келиб чиқиб белгилайди.

16.2. Маҳсулот (хизмат, иш) баҳоси (таклиф)га жумладан танлаш, солиқлар, бюджет ва нобюджет жамғармаларга мажбурий тўловлар бўйича харажатлар қўшилиши лозим.

16.3. Иштирокчи томонидан ўрнатилган баҳолар етказиб беришни (хизмат кўрсатишни, иш бажаришни) тўлиқ амалга ошириш даврига белгиланиб, ўзгартирилиши мумкин эмас.

16.4. Қайси босқичда бўлмасин, баҳони кўтаришга йўналтирилган танлаш таклифлари танлаш савдолари талабларига жавоб бермайдиган ҳисобланиб, харид комиссияси томонидан кўриб чиқилмайди.

17. Танлаш валютаси

17.1. Танлаш таклифлари Ўзбекистон Республикаси миллий валютаси сўмда тақдим этилади.

18. Етказиб бериш шартлари ва муддати

18.1. Олдиндан тўлов амалга оширилган кундан бошланади.

19. Молиялаштириш шартлари ва жадвали

4.1 Аввалдан тўлов Ўзбекистон Республикаси миллий валютасида умумий шартнома кийматининг 30 %, қолган 70 % шартнома шартларига мувофиқ амалга оширилади.

20. Шартномаи молиялаштириш манбаи

5.1. Ўзбекистон Республикаси Ёшлар ишлари агентлигининг Ёшларга оид давлат сиёсатини қўллаб-қувватлаш жамғармаси маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

Маҳсулотни етказиб бериш (хизмат кўрсатиш, иш бажариш) бўйича тузилган Шартнома қонунчилик ҳужжатлари – Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси, «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятинининг шартномавий – ҳуқуқий базаси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунига мос бўлиши лозим.